Отанинг лоқайдлиги (бу бепарвоник фарзанд тарбиясига, унинг келажига боғлиқлигини унутмайлик!) - бу алоҳида мавзу.

Муаллим дўстимнинг айтишича, ўша ўқувчи телевизордан “Зумраса” кўрсатувини кўриб, кейин шу ишга кўл урган. Кўрсатувдаги воқеага кўра, ўкувчилар мактаб психологиянинг (эътибор беринг, психологнинг! Одатда аксариёт мактабларда айна психодолог ўкувчилар ҳаётига бўлар-бўлмасга аралашни, унинг вазифаси етарлича тақсимланмагани ва улар мактабда аниқ нима иш қилишини билмай юришгани туфайли бўлса ҳам ажаб эмас...) жигига тегиси учун телефон қилиб, “ўйнатишади”. Буёги - глобаллашув, кўрсатувга тақлид килган бола уни ўз ўқитувчисида синаб кўрмоқчи бўлган...

Ўша кўрсатувни тайёрлаган кишилар буни ҳисобга олишмаган кўринади. Улар тайёр “рецепт”ни тақдим қилиб, ёмон хулқин тарғиб қилаётганларини наҳотки ҳисобга олишмаган бўлса?! Ахир нега айна ўқитувчи масхара объекти бўлиши керак? Бошқа қасб қурив колганми? Та олиши керакки, ўқитувчи образи кулиш учун уларга жуда кўл келган. Хўш, шу саҳна ўринилми? Бу ўқитувчининг нуфузини, обрўсини туширишга уриниш эмасми? Болаларда устозингни ана шундай қилиб масхаралашинг, устидан кулишинг мумкин, деган қарашни шакллантириш эмасми?

Ўша кўрсатувда роль ўйнаган болалар ҳали ёш бўлиши мумкин, аммо

оқ-корани ажратадиган ёшга бориб қолган таникли актриса-чи?! У нега ўзи мисолида ўқитувчининг ҳақора тилинишига йўл қўйиб беряпти?

Шу хаёллар билан “маршрутка”да кетаётгандим, икки аёлнинг сұхбати қулогимга чалинди. Аёллардан бири колледжа ўқийдиган қизининг ўқитувчисидан шикоят қиласди:

“Уйда иш кўп, колледжа нима бор?! Қизим дарсга бормай қолса, ўқитувчиси эшикнинг тагига келиб, гадойга ўхшаб ётиб олади. Ўша куни янга келтанди, жанжаллашдим. Гапга кўнавермагач, э бориб, даволан, глобусингни ҳам олиб бор, дедим”.

Унинг гапи таъсир қилиб, “қанақа глобус?” деб сўрадим. “Кино бор-ку,

шахсиятига тегилади.

“Севгинатор” деган кинон олинг. Талабалар аудиторида ўз ихтиёрича, ўз майлича еб-ичиб ўтираверишида.

Бирори оёғини парта-

нинг устига чиқариб олган бўлса, бошқаси худди ўшандай партада устида овқатланиб ўтиради. Ўқитувчининг эса ўрни тутул, ўзи ҳам йўқдай бу даврада. Унинг гапини бирор назарга илмайди, қулоқ солиш нари турсин, дарс бўлаётганини хаёлларига ҳам келтиришмайди.

Шу фильмни ишлаб, қайсири дараҷада “обўр” ва даромад топганинг айтишин, хўш, қайси таълим даргоҳида шундай экан?! Битта-яримта шу каби ахлоқиз талаба бўлсабордир, аммо шуни экранга чиқариб, оммага намойиш қилишдан қандай мақсад, мудда, манфаат кўзланган!

Мен ўша саҳнадан шундай хуласа қиласман: агар робот қаби “ноёб” қобилиятга эга бўлмасанг, бояги ўқитувчи каби хору хокисор бўлиб қолаверасан!..

Хўш, аслида ҳам шундайми? Албатта, йўқ. Бу бўрттириш, ўқитувчини оёқости қилиш учун ўйлаб топилган уйдирма экани аён ҳақиқат-ку!

Жавоб беришга уринади. “Окаев” деган фамилияни (эътибор беринг фамилия!) Умуман, бу сунъийдан сунъий “фамилия” беҳаё ҳазилдан келиб чиқиб, ўйламасдан қўллангани кўриниб турибди) шундай охангда айтадики, эшишиб, ёқангни ушлайсан киши. Эътибор бердим, залда йигитлар қиқирияти-қизганинг юзи килт этмайди! Ўзининг нима деганини, қандай ахлоқизлик қилаёттанини билиб турибди-ю, унинг юзи уятдан кизармаганидан ҳайратда қолдим.

Аслида, ўша саҳна мутлақо кулиги эмасди. Хўш, унда нега бунча бақири-чақири?! Сабаби, ахлоқиз одам ахлоқиз сўзларнинг катта саҳнада на-мойиш қилинишидан завқ туди, мана, айтса бўларкан-ку, дейди. Аввал ўзини чеклаб юрган бўлса, ана, саҳнадарда айтилаяпти-ку, деб ота-онаси, опасинглиси олдида билган уятсизлигини, ахлоқизлигини қиласверади.

Устоз - отангдай улуг, дейдилар. Аммо бу улуғликка кейинги пайтларда айрим катта саҳналарда, экранларда путуретказилаётгандай. Устоз-мураббийлар ҳақида айжойиб фильмларни кўрамиз, ундан зарур хуласалар чиқармиз, қайсири жойларда устозларимиз ҳурматини жойига кўя олмаган бўлсак, буни тўгрилашга итиламиш. Мингранж ила бир харф ўргатган киши олдидаги

қарзимизни минг гавж билан ҳам узолмаслигимизни чин дилдан тумяз. Ўзимиз ҳам устоз деган номга лойиқ бўлишига, шарафли касбни оқлашга астидил ҳаракат қиласми.

Ёш бола онги видеотасмага ўхшайди - кўрганини ёзиб олади. Агар бугун унинг онгнини юқоридаги каби ахлоқизлик унсурлари билан заҳарласак, ҳеч қаочи у боладан ижоби натижага кутиб бўлмайди. Аксинча, ўқитувчиларнинг дарсга юзаки ёндашиши каби масалалар кули йўли билан танқид қиласинган. Аммо ўқитувчи шаънини ҳақорат қиласдиган жиҳатлари ҳам борки, бу билан муроса қилиб бўлмайди.

Масалан, ўқитувчи образини гавдалантирган қизигина негадир ўзини муаллимдек эмас, ичкийим сотадиган сотовчидек тутади. Унда ўзбек қизларига хос ибо, ҳаё, назокат сезилмайди. Йигитларнинг беларда ҳазилларига жавобан улардан ўтказиб

Жамшид БОБОЕВ,  
Карши мұхандислик-иктисодиёт  
институти қошидаги “Нуристон”  
академик лицеей ўқитувчиси

Мулоҳаза учун мавзу



“Дўстим - жин”.  
Ўшани айтаяпман”,

деди у.

Кейин ҳаммасига тушундим. Кинони кўргандиму, асаби чарчаган домла дам олишга глобус кўтариб (!?) кетганига эътибор бермаган эканман. Шу воқеани фильмдаги ўша “жин”нинг ўзига айтганимда, у “Одамларни тушуниш кийин, ҳамма ҳар хил талкин қиласди-да”, деб жавоб берди.

Тўғри, фильмда киши шахсиятига, нағсониятига тегадиган нарса йўқ. Аммо, таассуфки, ўқитувчини улугайдиган жиҳат ҳам йўқ.

Афсусланарли томони, кейинги вактда ҳавола килинётган айрим кино ва клипларда ўқитувчи, устоз-мураббийлар аксарият ҳолларда омадсиз, додир, икки оғиз галининг аёлларни гапира олмайдиган, нўнон кимса кўрнишида гавдалантирилмоқда. Ўшандай киноларда ўқитувчининг устидан кулиниди, масхара қилинади,

Халқимизда "Инсоннинг либоси биринчи таасуротни беради", "Кийимига қараб кутуб олиб, муномаласига қараб кузатиб қўйилади", деган иборалар бежиз айтилмаган. Негаки, либос орқали қишининг диди, маданияти, одоб-ахлоқини билиш мумкин. Бугунги кунда урға кирган тор ва бадан рангидаги, танани яром ёғлан калта "либос"лар кундадик кийинши тартибимизга ўрнашиб улгурди. Хўш, бу либослар ҳақида жутахассислар ва юртдошларимиз ҳандай фикрда? Кўйида ушбу саволларимизга ойдинлик киришишга ҳаракат қиласиз.

# ЯХШИ Либос Ҳусн ва Шифо, ЁМОН Либос Эса...

Шуни унутмаслик керакки, кийим танангишига ва ҳатто ярага олиб келиши мумкин.

## КИЙИМ ДИДИНГИЗНИ БЕЛГИЛАДИ

**Баҳорги мавсумда атлас ва**  
матоларидан тикилган турли "чопон"лар урға кирди. Миллий кўринишдаги бу либослар кўпчиликка ёқди. Аммо хорижий бичимдаги тор ва калта либослар ҳам ўз қадрими ўйқотган эмас. Сизнинг-ча, либос танлашда нималарга эътибор бериш лозим?

Муниса  
Феруза МАЖИДОВА, дизайннер-моделер:



Либос, аввало, қулай бўлиши керак. Шу сабаб ҳам илгари она-ларимиз кенг ва тўклиб турадиган кўйлаклар кийишган. Замонга қараб либослар, уларнинг услуби ва бичими ўзгариб туриши аниқ, лекин ҳар қандай ҳолатда қуляйлик борасидаги талаб ўзгармайди. Тўрт фаслда ҳам асосан атлас ва адрас матоларидан либослар тикаман. Чунки ҳақиқий шойи ва ипак матоларимиз нафакат кўриниши билан, балки танага ҳаво ўтказиб туриш ҳусусияти билан ҳам ажралиб туради. Сунъий матолар, тор кийимлар эса бу қуляйликдан бутунлай ийроқ.

Кўпчилик мижозлар қоматига ёшишадиган, ёшига номуносиб тор либос кийишга иштиёқманд. Кўча-кўйда аёлларимизнинг бел ва корин, кўярк соҳалари очилиб қолганини кўрамиз. Ҳатто баъзилари бу кийимларда юршига ҳам қийналади. Нотўғри танланган либос инсоннинг ўзига ва атрофлагиларга ҳурматсизлиги, беадаблигини кўрсатади. Моданин кетидан қуваман, деб бачканаликка ўйл қўйиш керак эмас. Ўз услубимизни яратсан, хориждан келаётган "омма-

вий маданият"ни тарғиб қилувчи либосларга талаб қолмайди. Ёз мавсумда ҳам аёллар учун енгил ва қулай, турли гуллар, табиат манзаралари туширилган ва миллӣ матоларимиздан тикилган либосларни тикишини мўлжаллашпаз. Шуни унутмаслик керакки, кийим танангишига ва ҳатто савиянгизни ошкор қиласиз.

## ТАНАНГИЗДА КИЙИМДАН ИЗ КОЛМАСИН

- Тор кийимлар  
касаллик келтириб  
чиқаради деб эшит-  
ганим. Шу ростми?  
Насиба

Асимгул КАРАБЕ-  
КОВА, Ўрта-чирчиқ кўп  
тармоқли марказий по-  
ликленикаси шифокори:

- Танамиздаги лимфа түгулнлари, сукъ, тери, кон томирларининг иш фаолияти сикилишга мўлжалланмаган. Шунинг учун сикиқ, тор кийимлар танада қайта тиклаш қийин бўлган турли асоратларга олиб келиши мумкин. Тор ёқали кўйлаклар бўйиндаги веналарни қисади. Кўзини ички босими ошишига ва ўз навбатиди, глаукома хасталигини ривожланишига сабаб бўлади. Ўйку артериялари орқали миянинг кон билан таъминланниши бузилиб, бош оғиги, бош айланиши, кўришнинг пасайишига олиб келади.

Тор шимлар кориннинг паст-  
ки қисмини сиқади. Оқибатда ошқозон кислотаси қизилнгича кўтирилди ва жигилдан қайнапни келтириб чиқаради. Коринни сикиш диафрагмани бир меъёрда ишланашига халакит беради. Натижада нафас олиш тўлиқ амалга ошмайди. Қисувчи камарлар жигарда, ошқозон ости безида, ўт пухғида димланиши ҳолатини изоға келтиради. Эркакларда тор ички кийимлар тухумловлар қисилишига, сперма ишлаб чиқишининг сифати бузилишига ва бепуштиликка



олиб келиши мумкин. Терининг меъёридан ортиқ қисилиши яллигланиш жараёнининг ривожланишига ва ҳатто ярага олиб келиши мумкин.

Тор оёқ кийимлар қадоқ ҳосил қиласиз, вена қон томирларида босим кўпаяди. Болдирилар шишида, панжа бўғинларида деформация кузатилади. Замбурувлар ривожланишига шароити қиласиз.

Кийимларни ечганда танангида из қолмасин. Акс ҳолда, баданингизни қийнаб қўйган бўласиз.

## ЛИБОСИМИЗ – ЮЗИМИЗ

- Динимизда эркакларга ипак матодан тикилган либосларни кийиш тақиқланган экан. Шу ростми?

Камрон

Жалолиддин ҲАМРОҚУЛОВ,  
Тошкент ислом институти кафедра мудири:

- Исломда эркакка ипак кийимларни кийиш ман этилгани улкан ҳикмат боисидандир. Мусулмон эркак доимо турли оғирликларни кўтиришга шай турдиган, нозиклик ва зеб-зийнатни ўзига эп кўрмайдиган забардаст қиши бўлиши керак. Шу боисдан ҳам шариият аёлларга атаган ва нозиклик ҳамда зеб-зийнат рамзи бўлган ипак матодарни мусулмон эркак учун ҳаром қиласан. Халқимизда "Кийим ҳам ҳусн, либосимиз – юзимиз", деган гап бор. Кийим танлаш ҳар бир инсоннинг мутлақо шахсий иши. У бунга ўзининг диди, имконияти, хоҳишидан келиб чиққан ҳолда ёндошиди. Али розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: "Аллоҳнинг нафиси ипакни олиб ўнг қўллари ила тутдилар, тиллони олиб чан қўллари ила тутдилар, сўнгра: "Албатта, мана бу иккиси менини умматимнинг эркаклари учун ҳаромдор", дедилар". (Термизий ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-саллаҳ айтдилар: "Мен кўрмаган иккита тоғи борки, улар дўзах аҳлиданиди: ... кийим кийиган ялоноч, ўйлдан урувчи, ўйлдан озган аёллар. Уларнинг бошлари туюнинг ўркачи каби. Улар

жаннатга кирмайдилар, унинг ҳидини ҳам топмайдилар. Ҳолбуки, унинг ҳиди беш юз ийллик масофадан келиб туради. (Муслим ривояти).

Кўчага чиқсанда бегоналарга зеб-зийнат ва тақиҷоқларини кўрсатиб юрадиган, ҳар хил хушбўйликлар билан ўзига оро берадиган ҳамда калта ва тор либослар киядиган аёллар Аллоҳнинг раҳматидан узоқ бўлувчи кишилардир.

## ТОР КИЙИМ КИЗ БОЛАГА ЗАРАРЛИ...

- Синглим  
асосан тор кийимларни кийди,  
Унга бунинг зарарини сира ту-  
шунтиrolмаяланган. Шу масалада  
ёрдам берсангиз.

Наргиза

Зумрад Раҳимова, тибиёт фанлари номзоди:

- Ҳаддан зиёд тор кийимлар балогат ёшига етаётган қизларнинг ҳайз циклига таъсир ўтказиши мумкин. Айниқса, бу даврда енгилелли, бадан кўринадиган, ҳарир кийим кийиш кичик чаноқ бўшлигидаги, жумладан, репродуктив аъзолар яллигланишига сабаб бўлади. Тор либослар кийиш натижасида аъзоларда кон айланшининг бузилишилар, тұхмандонларда фолликуляр кисталар, бачадон гипоплазиси каби касалликлар айнан тор кийимлар кийишнинг асоратидир. Ҳомиладор аёлларнинг тор шимда юриши қорин ички босимининг ошиши ва оқибатда ҳомила тушиси ҳавфина тугдидар. Бундай ахволдаги аёллар ҳаҷовин яхши ўтказидиган, пахтадан матоларидан кенг ва қулай кийимлар кийгани мақсадга мувофиқ.

Камола АДАШБОЕВА,  
"Оила ва жамият" мухабири

## МИЛЛИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ЛИБОСЛАР НАМОЙИШИ

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Болажонлар – шинтойлар" болалар мода фестивалида намойиш этилган кўркам либосларда миллий яланна ва қадринглар, сантъат ва маданият намуналари ўз аксии топди. Уларнинг яратилишида кийим ва кийинши маданияти, эстетик тарбия, менталитет ва худудимиз иқлим шароитининг ўзига хослиги эътиборга олингани аҳамиятидир.

Танлоша Коқаётпостиш Республикаси, Тошкент шаҳри, Андиков, Фаронса ва Самарқанд вилоятларидағи



профессионалы дизайннерлар билан биргага, олий ўқув юртлари таъалоблари, коллежлар ўқувчилари ҳам иштирок этди.

- Бу фестивалда иштирок этишини орзу қилиб юрадим, — дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти таъалобаси Нодира Табибова. — Батни усулида, яъни шифо матосини турли ранглар ёрдамида бўяб, болажонларга ёзги туркум либослар тайёрладим. Либосларим кийиш учун кулай бўлсин деб кенг бичимни ташлайдим. Тадбирда шигарни этиб, болалар модасига оид ёнг сўнгти маълумот ва янгиликларни олдим, соҳада ёришилган ютуклар билан тависидим, етук дизайннерлар маслаҳатидан баҳраманд бўлдим.

Жонибек МУХТОРОВ

## ОТА ТАРБИЯСИ – ЗАМОН ТАЛАБИ

ЭСЛАТМА. ЭСЛАТМА. ЭСЛАТМА.

### 117-сон ОЛТМИШ ЯШАР ОТАДАН ОШ СҮРАМА

Худ жаамуни ўзарастан маколатар

Ажаб ҳолат: агар орадан бир гайратшикоатли, тадбири одам чинса, унга кўпчилик фақат ҳавас билан қарайди. Аммо ундан ибрат олиб, ортидан эргашадиганлар негадир кам топилиди. Лекин ён-веримизда бир бокиманда пайдо бўлса, унинг ёнида “шерик”лари кўпайгандан-кўпаяди. Нега шундай?

“Оила ва жамият” ўн беш йилдан бўён оиласиз аъзоси. Ҳар бир сонини интихлик билан кутамиш.

Газетанинг 2016 йил 27 апрель сонида чоп қилинган “60 яшар отадан ош сўрама” мақолосини ўқиб, долзарб масала кўтарилигини англадим. Шундан таъсирланиб, ўзимча қоғоз кораладим.

... Фарзанди ўзига ўхшашини истаган ҳар бир ота шунга муносиб бўлиши керак: илми, инсоний фазилатларга эта, меҳнатсевар, ҳалол, тўғри инсон бўлсагина, шу хислатлар фарзандига юқади. Оила – дастлабки тарбия масакнидир. Оилабоши акл-фаросатли, билимли, идрокли фарзанддан умидвор бўлса, ўз ўғлига меҳнати кўпроқ сингиши керак. Оилада касб, санъат, адабиёт, камтарлик, одоб, катта-кичика муносабат, тўғрилик, меҳнатсеварлик, хуллас, минг ийлини урф-одатлар ўргатилиши лозим.

Ҳар бир бола иқтидор билан туғилади. Унинг иқтидори жуда ёш бўлса ҳам, диккат қилинса, сезилиди. Ота-она ёки боғча опа истеъодин сеизиши мумкин. Иқтидор ўйинчоқлар, асоб-ускуналар билан шугулланышда, чизища ва ҳаракатларда билинади. Шунинг изиздан борилса, тегизли ёрдам кўрсатиласа, доим назоратда тутилса, кейинчалик у бола тақдирни узун энг мумкин, ҳаётин заруратга айланади.

Ўйлаб қаранг, 4 нафар ўғлингиз бор. Уларнинг қайсисини нимага қизиқади, сиз уларни биласизми? Улар қизиқишни мустаҳкамлаш учун қандай ёрдамлашингиз, болангиз буни биладими?

Боланинг қизиқишни ҳисобга олмай, ҳисобчи бўлишини керак, деб шунга тайёрлапсиз, аммо у техникини жон дили билан севади. Энди у отасининг сўзини қолдирмаслик учун ҳисобчиллик ўқувига боради, лекин чин қалдан ўқимайди. Катта бўлгач, барибир техника билан шугулланади.

## ЎЙ СОТИБ ОЛМОҚЧИМАН...

– Кўшнимга тегишили бўлган ўйни сотиб олмоқчиман. У билан келишиб, ўйнинг пулини бир қисмини ҳозир, қолганини кейинчалик бўйлаб-бўйлаб тўламоқчиман. Буни нотариал тартиба ёзма расмийлаштиришм керакми? Ёзма шартномада “ўйни сотиб олиш учун”, – деб кўрсатилиши шартми? Агар кейинчалик низо чиқса қандай ҳал этилади?

Мақсада ЭРГАШЕВА,  
Миробод тумани

– Уй-жойни сотиб олиш шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 366-моддаси 4-кисмидан белгиланганадик, ёзма шаклда тузиладиган шартномадир. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 480-моддасига

Умрингизда мусиқа асбоби ушламаган бўлсангида, болангиз иккита тор сим топиб, чалиб юрибди. Бу мусиқага иштиёқдан далолат. Бола ўз ўйлини танлабди.

Болангиз атрофидағи ўртоқлари, жўраларини билиш, машгулотларини, мумала ва хулқ-атвортарини ўрганиб, у билан маслаҳатлашип зарур.

Отанинг меҳрибонлигини кўриб улгаяётган фарзанд ҳам ота-онасига меҳри жўшади.

Оиласа мөхр ва назорат етариғи бўлмаса, ёки ота-она тарбиясида ҳар хиллик бўлса, шу ердан эрка, арзанда, ҳатто ярамаслар чиқади.

Мактаб билан алокани мустаҳкамлар орқали шу сингарни қусурлардан ҳалос бўлишимиз мумкин. Ҳасадгўйлик, чакимчилик, лаганбардорлик, ўғирлик, хиёнат каби салбий ҳулклардан саҳласак, “кимнинг фарзандисан”, деб сўрашганида була бошини мағрур кўтариб, ота-онасининг номини айта олади.

... Бир оила бошлиги катта, масъул ва-зифада ишлайди. Ҳамиша банд. Фарзанди

билиш шугулланишга вақти ўйқ. Онасининг эса ота-онага муносиб фарзанд тарбияшага укуви етариғи эмас, дейлик. Шу оила фарзандларидан қайси оадатларни кутайлик? Қўрсликнами, ёки бачканаликнами? Уларнинг ота-оналари фарзандларидан фархланга олаларни? Йўқ, албатта. Чунки улар энг масъулиятни вазифаларини вақтида бажармадилар, ўтказиб юбордилар. Энди шунаймоннинг фойдаси ўйқ. Чунки улар экканни ўрмоқдалар.

Оила бошлиги – ота уйда ўтириб, пиёлаги кўк чойни тўлдириб, дўпини бир четга кўйиб, ўзига “мен ўз фарзандларимни ўзини биламанми, уларга муносиб тарбия беярдимми?” деб савол берса. Ўз саволларига жавоб изласа.

“Фарзандим ҳам эртами-кечми, ота бўлади, мен уни оила бошқарувчиси сифатида ўстирмодаманми?” деган саволга жавоб бера олсак, ҳаётда ўз ўрнини топа оладиган фарзандлар тарбиялай олсак, биз келгуси авлод учун фойдали иш қўлган бўламиш.

Хар биримиз шуну яхши билишимиз кепракки, келгуси авлоднинг қандай бўлиши, қандай инсонлар бўлиб етишиши бизларга боғлиқ. Ота деган улуг номга, номимизга муносиб фарзандлар тарбиялашга муяссар бўйлайди.

ТАХРИЯТДАН ИЛТИМОСИМ – “Ота тарбияси” руҳни давом эттирилса. Ву – замон талаби.

Зухур ҚУРБОНОВ,  
Хива тумани

кўра, ўй-жой олди-сотди шартномаси тузилмаслиги ёки унинг шаклига риоя кимаслик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Уй-жойни сотиб шартномасига биноан, кўчмас мулкка бўлган мулк ҳукукининг сотиб олувичига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлади. Бундай шартнома нотариал тартибда тасдиқланishi ва давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Ушбу фаолият амалта оширилганидан кейингина – шартнома рўйхатдан ўтказилганда пайдан ўтибкор шартнома тузилган хисобланади.

Демак, унинг ҳақини тўлаш билан бирга олди-сотди шартномасини тузиш ҳамда шартномани нотариал тартибида тасдиқлатиш ва у давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Муносабат

## РАҚС – САНЪАТ ГУЛТОЖИ

ЭСЛАТМА. ЭСЛАТМА. ЭСЛАТМА.

12-сон

### УСТОЗ КЎРМАГАН ШОГИРД ҲАР МАҚОМГА ЙЎРГАЛАР

Газетада чоп этилган “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга ўргулар” мақолосини катта қизикиш билан ўқиб чиқдим. Ўзим шу соҳада фаолият кўрсатганим учун, унинг муаммоларини қаламга олиши анҷадан бери кўнглигига тутиб юргандим.

Ҳаққатан ўзбек рақс санъати гўзал, сермазмун ва кўп кирралди. У асрлар оша



бутунгача кўз қорачинидай асрлаб келинган. Ўзбек рақс ҳаракатларининг ўз номи бўлгани каби ҳар бир ҳаракатда маъно-мазмун мужассам. Рақс муаллифлари, балетмейстерлар, аввало, миллий рақс санъатини ва унинг услубларини мукаммал ўрганиб, сўнг бошқа ҳалқлар рақсини ўрганишга интилиб, билимли, саводли оқил устоз бўлишлари керак, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда рақс санъати этнографик, худудий жиҳатларига қараб Фарғона, Бухоро ва Хоразм рақс мактабларига бўлинид. Тошкент, Андижон, Қўқон, Наманганга рабор услубларини Фарғона мактаби деймиз. Бухоро, Самарқанд ва тоғ этаклари рақслари, Хоразм рақслари ўзига хос хусусиятлари билан бошқаларидан фарқланади. Турлий услублар рақс ҳаракатларидагина эмас, гавда туришлари, мусиқа, зарб, либослар, ҳатто, тақиҷоқларда ҳам бир-биридан ажralи туради.

Мукаррама Турғубоева яратган “Тановор”, “Муножот”, “Баёт”, “Роҳат” рақслари ҳалқимизнинг бебаҳо мулкидир. Бу рақсларни бузуб ижро этишига ёки ҳаракатларини ўзгартиртишга ҳеч кимнинг ҳақиқиёт ёки, деб ўйлайман.

Афусски, кейинги йилларда рақсларинг маъно-мазмуни йўқолиб бормоқда. Мақолада таъкидланганидай, балетмейстерларимиз хоҳлаган ҳаракатини кўяларга мослаб кўйиб кетишмоқда. Бунакада устозларимиз ўтилтирига кеърда қолади?.. Ахир, ҳар бир ҳаракат маълум бир мазмунни ифодалайди ва ўз номига эга. Мисол учун, тўлқин ҳаракати, майнаб сабо, узум узиш ва ҳоказо.

Клипларда намойиш этилаётган бабзни ҳолатлар беихтиёри ўтибкоримизни тортади. Қизларнинг рақси колиб уларнинг чироғли юзлари кўрсатилмоқда. Ахир, қани ўзбек миллий рақслари?..

Миллий рақсларимизни ёш авлодга бус-бутунлигича етказиши, уларга ҳақиқий ўзбек миллий рақс сирларини ёритиб бериш учун оммавий ахборот воситаларида пундад чиқишилар бўлиши лозим. Қолаверса, мактабларда мусиқа фанини мутахассислар ўтса, миллий мусиқа, рақс санъати замонавий технологиялар ёрдамида ўқувчиларга тушунтирилса, нур устига аъло нур бўларди.

Ойтул ШОДИЕВА,  
Самарқанд педагогика коллежи мусиқа фани ўқитувчиси

### Сўранг, жавоб берамиз

112-модда, 1- ва 2-кисмларига асосан, суд қарорига мувоғик, рўйхатдан ўтказилиши белгиланган.

Нодир АРТИКОВ,  
Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги 1-сония Давлат нотариал идораси нотариуси

### ЭЪЛОН

Чет тиллар институти (ҳозирги ЎзДЖТУ) томонидан Джуманова Гулбахор Жонибековнага 1992 йилда берилган YB-I 076664 рақамли диплом ўқолганилиги сабабли БЕКОР қилинади.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани Озод, Гулзор топ кўча 17-йига тегишили фуқаро Нармуҳамедова Муборак номига берилган қурилиш режаси ўқолганилиги сабабли БЕКОР қилинади.

Автобусда икки аёлнинг сұхбати ногаҳон қулогимга чалиниб қолди:

— Қизингиз яхши юрибдими, айланай? Ажойиб қизингиз борда. Ўзи бир киз — сочи бир киз. Одобли. Қўли кўксидан тушмайди. Илоҳим бахтини берсин!

Иккинчи аёл ҳамроҳининг гапларига эътибор қилмагандек, синишиб сўзлади:

— Билмадим, Ҳудонинг ишида... Майли-да, менинг қизимга ҳам аталгани бордир. Мухими, тани-жони саломат бўлсин.

— Вой, сиз қанақа онасииза? Индамай қараб тураверасизми? Кўнглинигиз ҳам кўнгил экан-да! “Қизингиз узатишга шошил”, деган қадимгилар. Ўтиравермай бундек илми-амалини қиласангиз бўлмайдими? Фолбинга боринг, айланай, фолбинга...

Сұхбат шу жойига келганда манзилимга етиб қолдим. Автобусдан тушиб орқамга, дераза одидиа ўтирган ҳалиги аёлларга кўз ташладим. Шеригта фолбинга боришини маслаҳат берган аёл қўйиб-пиниб нималарини тушунтиришда давом этаётган эди...

### Муаммонинг ечими Фолбингамас, феълимида

Одам боласининг феъл-автори галати. Бошига бирор мушкулот тушиб қолса, кутимаганда дардга чалинса ёки ишларидан унум, топганидан барака қочса, сабабини қаердадир хотага йўй, қўйганидан излаб, мусибатга ўйлиқаётганини ўзининг қимшишларидан билиб, феълининг, юриш-туришини ислоҳ қимлайди-да, дарров фолбинга чопади. Гўё шу билан енгил тортадигандай ёки ишларни юришмайтани, боши касалдан чикмаётганини боисини фолбин яхши биладиу, уни балолардан фориг этидигандай. Тан олиши керак, кўпчиликимиз ҳаётимиз давомида ҳеч бўлмаса бир марта фолбинга борганимиз. Баъзан унинг яқаш-уйқаш гап-сўзларидан битта ростини топиб олиб, ҳайратга тушганмиз, кўп ҳолларда кетган пулими ва беҳудага сарфланган вақтимизга куйиб қолаверганимиз. Фолбинларнинг ёлғон уйдирмалари касофати туфайли парокандаликка учраётган оиласлар, бир-бирлари билан юзқўрмас бўлиб кетаётган қаринодур, ёр-биродарлар ҳақида кейинги вақтларда кўп эшитяпмиз. Аммо... эшитиб, билиб, кўриб турсак-да, яна ўшалардан нажот излайверамиш.

### Талончи фолчи

— Бир куни эрим ва ўтиларимни ишга кузашиб, дарвозани кулфладимда, рўзгор юмушларига киришиб кетдим. Бир пайт дарвоза тақиллаб, ортидан: “Ким бор, илтимос, яхши одамлар, садақа қилин”, деган овов эшилди. Дарвоза тиркшидан мўраласман, лўйла аёл иркитгина қизчани етаклаб туриди. Дарвозани кия очиб садакамни узатдим-да, тезигина ёбиб олдим. Бирдан дули: “Анчадан берি ўтигинизни уйлантиролмай юрибсиз-а? Эсизигина, ўтигинизни бахтини бойлашибиди-ку”, деди. Сергак тортдим. Чиндан ҳам ўглим ўттис ёшда, кўлида касб-кори,



## АФСОНАСИ РОСТИ



хунари бор, эсли-ҳушли йигит бўлса-да, негадир кайси хонадонга борсанк рад жавоби олардик ёки ёшлар бир-бирига маъқул тушишмасди. “Бу қайдан билади?” деба ҳайрон бўлганимни сезди чори, лаби-лабига тегмай уйимда, шафтоли дараҳтичининг тагигда бир қариндошиминг “амал” кўмиб кетгани, агар тезроқ ўша амални топиб, ўйқотмасам ўглим ўлиб қолишини айтиб, вайсашга тушди. Ҳуллас, лўлиниг уйдирмалари ўзимга ва бўлажак келинимга атаб олиб қўйтан тилла тақинчоқларни олиб кетиши билан якунланди. Улар гипнозга ҳам устамикан, дейман, кундузги соат 10 ларда мени “талаф” кетган бўлса, соат кечки 18ларда ўзимга келиб, ҳалиги лўли “ўқиб дам соламан”, деган тилла тақинчоқлар тугилган рўмолчани очиб кўрдим. Ичиди аллақандай қоғозчаларни буклаб-буклаб ўраб кетиби. Негадир ўша пайтда ундан гумон кимлаган эдим, кечга бориб юрагимга ваҳма оралади. Бежизга эмас экан. Лўли аёл мени роса лакиллатиб, ўн беш миллиондан кўпга “туширган” экан. Турмуш ўртогим билан ўглим “Сизни ўлдириб, ўдаги бошқа нарсларни олиб кетмаганига шукр қилинг, жонингиз омон қолиби”, деба таскин беришиди. Бу талончилик бир умрга еттулик дарс бўлди. Энди фолбин, азайимхон, лўлига мутлақо ишонмайман.

Назокат Амонова,  
Бухоро вилояти

### “Шу фолга ишонсанг-ку...”

— Тақдир экан, ёш им ўттиздан ўтган бўлса-да, негадир ҳанузгача бахтим очилмаяни. Шукр, кўл-оёғим бутув, ақл-ҳушим жойида. Олий мальумотлиман, қўлмиди касб-корим, ҳунарим бор. Бироқ яқинларимни бахтимни сўраб фолбинга-фолбин изиги юраверишидан чарчаб кетдим. Тагин гап орасида: “Сен ишонмайсан-да, агар ихлос билан шу фолчининг гапларига ишонсанг-ку, бахтинг очилиб, узатилиб кетасан”, деба идда ҳам қилишади. Яқинда холаларим бир фолбинникига

боришибди, буни қаранг-ки, фолчи қиз ҳам узатилмаган экан. Холаларимга кулиб, “Ўша фолбинингиз олдин ўзига фол очини, кейин мени ташвишмни килади” десам, шаккокликда айлаб, мендан ҳафа бўлишиди. Уларга қараб оғриниб кетдим, одам шунчалик ҳам сўқир бўлар экан-да?..

Сарвиноз, Самарқанд шаҳри

### Келажакни билса, нега бунча хор?

— Қишилар фолбинларнинг олдига турли мақсад билан боришиди. Уларнинг аксари ўз келажакни билишга кизиқади. Аммо одий бир нарсларни ўйлаб кўришмайдики, нажот излаб бораётган жойларида ўтирган одам ҳам худди ўзлари каби бир оқиз банди. Агар фолбин бўлиб, келажакни билса, нима учун турли ҳазиналарни топиб, потореялар ўйнаб бойиб кетмайди? Нима учун камбағал ва хор бўлиб яшамоқда? Файни биладиган одамга яршилади мени шу аҳвол.

Ҳозирги кунда мунажжимлар башоратига қараб иш режалаштирадиган, газета нашрларида чоп этилган башоратларга ишониб, келган совчини қайтариб юбораётган юртошларимиз ҳам ўйқ эмас. Пайтамбаримиз (с.а.в.) ҳар бир одамнинг тақдирни яратилишидан олдин ёзиб қўйилганини айтиб кетгандар.

Бу тақдирни ҳеч ким ўзгартира олмайди. Фолбинлар келажакни ҳеч қачон била олмайди. “Ўйингизга илм-амал қўйилган”, “Кимдир оиласигизга қарши сехр-жоду қилган”, деган сафсалар билан лакма қишиларни талаётган азайимхонларни дарвозага яқинлаштираслини керак. Ахир, ишониш-ишонмаслик инсоннинг ўзига боғлиқ-ку! Тақдир эса фақат Аллоҳнинг изми билан. Башарти, кимдир сизга қарши сехр-жоду амаларни қилса ҳам унинг таъсири Яратганинг қисмати билан боғлиқ.

Ҳамиджон ҳожи Омонов,  
Фарғона вилояти, Учқўприк  
тумани

### Бугуннинг гапи

#### Фолбинликми, фирибгарлик?

— Фолбинлик, сехр-жоду билан одамларни алдаш ва алдов орқали кишилардан пул ва шунга ўхшаш моддий нарсаларни таъма килиш фирибгарлик ёки товламачиликка киради. Агар шахс фолбинлик ёхуд сехр-жоду ўйли билан одамларни алдаб юрган кимсалардан жабларнагани ҳақида тегишили хукукий муассасаларга мурожаат қилса, фолбинлик қилиб юрган товламачилик конун доирасида чора кўрилади. Етказилган зарар жуда катта миздорда бўлса, жинойи жавобарлика тортилади.

Мирзараҳмон Боймирзаев,  
адвокат

#### “Фолбиннинг сўзини тасдиқлаган киши...”

Рахматулоҳ кори Сайфуддинов, Тошкент шаҳридаги “Мирза Юсуф” жомъе масжиди имом ҳатаби:

— Айрим одамлар сеҳрарлик, фолбинлик балоси билан балолантан. Аллоҳнинг каломи, Пайтамбар (с.а.в) нинг ҳадиси шарифлари бир четда қолиб, шайтонга шогирд тутинган фолбинларнинг сўзлари кулоқ соладилар. Расулулоҳ (с.а.в) ўз ҳадисларида фолбиннинг олдига бориб, унинг гапини тасдиқлаган киши диндан чиқишини айтганлар. Нима учун энди, факат боргай одам эмас, балки бори гапини тасдиқлаган киши? Гап бу ерда фолбиннинг олдига борища эмас, балки унинг гапини тасдиқлашада. Иймон ҳақида кетмокда гап. Шуни яхши билб олайлики, Аллоҳга сигинмаган бандана барибир нимагадир, кимгадир сиғинади. Аллоҳнинг тақдирдан рози бўлмаган бандана кимнингдир сўзларидан рози бўлади ва ана шу сўзларга ишонади. Шунинг учун ҳам, Пайтамбар (с.а.в) фолбиннинг сўзини тасдиқлаган кишини диндан чиқиди, деганлар. Бу ерда гап иймон, этиқод, ишончи устида кетмокда. Бу савдо каттиқ савдо ҳисобланади. Банданинг тақдирни Аллоҳ томонидан ёзилади. Бу тақдирни ҳеч ким ўзгартира олмайди. Фолбинларга қатнаётган опа-сингилларимизнинг бу ўйларни қайтишларини сўраймиз. Фолбинлар келажакни ҳеч қачон била олышмайди. Аллоҳ таълоғо Куръони каримда бу илм факат ўзида эсканлигини айтган. Аллоҳ билан унинг илмини талашаётган бандалар албатта хор бўлажак.

#### Хотима ўрнида

Бизага ақл ва тафаккур нега берилган? Нега янгилиш қадамиздан кейинги кунлар учун ират олмаймиз? Фолбинларнинг ёллони, маккор ва товламачи экани яққол намоён бўлса, ўз күзини ўзи ўядиган одамга ўхшаб уларнинг оёғига бош уриб боришимиз нимасиз? Биз инсонмиз-ку, наотки, куппа-кундузи, очиқ кўз, тафаккур билан ёлғон, алдов ва фирибни ҳақиқатдан ажратишига ақлимиз етасиз?..



Умид  
АДИЗОВА

## Оила жамият

Бош мухаррир:  
Воҳид Лукмонов

Обуна  
индекси – 176

### Ижтимоий-сиёсий, маънавий-мәърифий газета

#### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар  
қўмитаси, “Болалар ва  
оиласларни кўллаб-куватлаш”  
ассоциацияси (Болалар  
жамгармаси) ва “Соглом авлод  
учун” халкаро хайрия фонди

#### МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.  
Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-йи

Кабулхона: (факс)  
233-28-20, Котибият:  
233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 марта ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 10-2995 рақами билан рўйхатта олинган. Буюртма Г – 636. Формати А-3, жажми 2 табоқ. Адади – 5812. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00  
Масъул мухаррир: О. Жумабоев

ISSN 2010-7609

Мусахихлар – С. Сайдалимов,  
К. Адашева

Газета таҳририят компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди  
Саҳифалови – А. Маликов

9772010760007